

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

485 Тендер савдолари ўтказишни янада такомиллашти- риш чора-тадбирлари тўғрисида

Иқтисодиётнинг тегишли тармоқларида ва ижтимоий соҳада амалга ошириладиган инвестиция лойиҳалари доирасида маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини янада ошириш ва улардан оқилона фойдаланиш, лойиҳаларни амалга ошириш тартиботларини жадаллаштириш, шунингдек товарлар етказиб берувчиларни, ишлар ва хизматларни амалга оширувчиларни танлаб олиш бўйича тендер савдоларини ташкил этиш ва ўтказиш тизимини такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Иқтисодиётнинг тегишли тармоқларида ва ижтимоий соҳада амалга ошириладиган инвестиция лойиҳалари доирасида товарлар, ишлар ва хизматларни харид қилиш бўйича 1 — 7 иловаларга* мувофиқ таркибда тармоқ идоралараро тендер комиссиялари (кейинги ўринларда идоралараро тендер комиссияси деб аталади) тузилсин.

Идоралараро тендер комиссияларининг раислари ва аъзолари зиммасига тендер (танлов) савдоларининг, шу жумладан халқаро тендер (танлов) савдоларининг самарали ташкил этилиши ва ўтказилиши юзасидан жавобгарлик юклансин.

2. Белгилаб қўйилсинки:

идоралараро тендер комиссияси тендер (танлов) савдоларини коллегиял асосда ўтказиши ҳамда иқтисодиётнинг тегишли тармоқларида ва ижтимоий соҳада битта контракт бўйича 5,0 млн АҚШ долларидан кўп суммага товарлар, ишлар ва хизматларни харид қилиш юзасидан савдолар натижалари бўйича ғолибларни аниқлайди;

битта контракт бўйича 5,0 млн АҚШ долларидан кам суммадаги битта контракт бўйича тендер савдоларини ўтказиш қонун ҳужжатларига мувофиқ буюртмачилар томонидан тузилган тендер (танлов) комиссиялари томонидан амалга оширилади;

илгари бошланган ва бир нечта босқичлардан иборат бўлган, лекин тугалланмаган тендер (танлов) савдолари ушбу қарор кучга киргунгача фаолият кўрсатган тендер (танлов) комиссиялари томонидан амалга оширилади.

3. Иқтисодиётнинг тегишли тармоқларида ва ижтимоий соҳада амалга ошириладиган инвестиция лойиҳалари доирасида товарлар, ишлар ва хиз-

* 1 — 7-иловалар рус тилидаги матнда берилган.

матлар харид қилиш бўйича идоралараро тендер комиссияси тўғрисидаги низом 8-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Идоралараро тендер комиссияларининг раислари икки ҳафта муддатда комиссиялар мажлисларини ўтказиш жадвалларини, ишчи органлар таркибларини ҳамда тендер (танлов) ҳужжатлари пакетларини сифатли ва ўз вақтида тайёрлаш тадбирларининг аниқ режаларини тасдиқласинлар, шунингдек мажлислар протоколларининг ўз вақтида расмийлаштирилиши юзасидан таъсирчан назоратни белгиланган муддатларда амалга оширсинлар.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ахборот-таҳлил департаментлари бош лойиҳалаш институтлари билан биргаликда икки ой муддатда вазирликлар ва идоралар — инвестиция лойиҳаларининг ташаббускорлари томонидан ишлаб чиқарувчилар — технологик лидерлар бўйича маълумотлар тўлиқ тармоқ базаларининг, шу жумладан уларнинг ишончлилиги ва амалий аҳамияти тўғрисидаги ахборотларнинг мажбурий тартибда шакллантирилиши ва тизимли равишда янгилаб борилишини жорий этсинлар, кейинчалик улардан тендер (танлов) ҳужжатлари пакетларини тайёрлашда, шунингдек идоралараро тендер комиссияларининг иш жараёнида фойдалансинлар.

6. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ва «Давархитектқурилиш» қўмитаси манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсинлар.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2015 йил 14 сентябрь,
264-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2015 йил 14 сентябрдаги 264-сон қарорига
8-ИЛОВА

**Иқтисодиётнинг тегишли тармоқларида ва ижтимоий
соҳада амалга ошириладиган инвестиция лойиҳалари
доирасида товарлар, ишлар ва хизматлар харид қилиш
бўйича идоралараро тендер комиссияси тўғрисида
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом иқтисодиётнинг тегишли тармоқларида ва ижтимоий соҳада амалга ошириладиган инвестиция лойиҳалари доирасида товарлар, ишлар ва хизматлар харид қилиш бўйича идоралараро тендер комиссиясининг (кейинги ўринларда идоралараро тендер комиссияси деб аталади), шунингдек товарлар, ишлар ва хизматлар харид қилиш идоралараро тендер комиссияси ишчи органининг (кейинги ўринларда ишчи орган деб аталади) вазифалари, функциялари ва жавобгарлигини белгилайди.

Ушбу Низомнинг амал қилиши Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига мувофиқ амалга ошириладиган товарлар, ишлар ва хизматлар харид қилишга татбиқ этилмайди.

2. Идоралараро тендер комиссиясининг таркиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

3. Идоралараро тендер комиссияси иқтисодиётнинг тегишли тармоқларида ва ижтимоий соҳада амалга ошириладиган инвестиция лойиҳалари доирасида тендер (танлов) савдоларини ўтказиш бўйича доимий коллегиял орган ҳисобланади.

4. Идоралараро тендер комиссияси коллегиял асосда тендер (танлов) савдоларини ўтказиши ҳамда қуйидагилар ҳисобига молиялаштириладиган инвестиция лойиҳалари доирасида товарлар, ишлар ва хизматларни харид қилиш юзасидан тендер (танлов) савдолари натижалари бўйича голибларни аниқлайди:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари, бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари, шунингдек устав жамғармасидаги давлат улуши 50 фоиздан ортиқ бўлган ташкилотларнинг ўз маблағлари;

давлатнинг ташқи қарзлари, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларига мувофиқ хорижий грантлар ва техникавий кўмаклашиш маблағлари.

5. Идоралараро тендер комиссияси ўз фаолиятида ушбу Низомга ҳамда тендер (танлов) савдоларини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича қонун ҳужжатларига амал қилади. Инвестиция лойиҳалари халқаро ташкилотларнинг, халқаро молия ва иқтисодиёт институтларининг ва/ёки хорижий ҳукумат

молия ташкилотларининг ва/ёки ҳукуматга қарашли бўлмаган ташкилотларнинг (кейинги ўринларда молиялаштирувчи ташкилотлари деб аталади) молиявий маблағлари ва/ёки грантлари ҳисобига амалга оширилган тақдирда тендер (танлов) савдоларини ўтказиш уларнинг тартиботлари бўйича амалга оширилади.

Иқтисодиётнинг тегишли тармоқларида ва ижтимоий соҳада амалга ошириладиган инвестиция лойиҳалари доирасида товарлар, ишлар ва хизматлар харид қилиш бўйича тендер (танлов) савдоларини идоралараро тендер комиссиялари томонидан ўтказиш ушбу Низомнинг иловасига мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.

II. Идоралараро тендер комиссиясининг вазифалари ва функциялари

6. Қўйидагилар идоралараро тендер комиссиясининг вазифалари ҳисобланади:

иқтисодиётнинг тегишли тармоқларида ва ижтимоий соҳада амалга ошириладиган инвестиция лойиҳалари доирасида товарлар, ишлар ва хизматлар харид қилиш учун маблағлардан самарали ва оқилона фойдаланилишини таъминлаш;

харид қилинадиган товарлар, ишлар ва хизматлар сифатини ошириш;

тендер (танлов) савдоларини ўз вақтида ва сифатли ўтказиш бўйича тизимли ишларни ташкил этиш.

7. Идоралараро тендер комиссияси ўзига юкланган вазифаларни бажариш учун қўйидаги функцияларни амалга оширади:

ишчи органларнинг таркибларини тасдиқлайди;

тендер (танлов) ҳужжатларини ишлаб чиқишнинг ва тендер (танлов) савдоларини ўтказишнинг тармоқ жадвалини тасдиқлайди, унда ишчи орган молиялаштирувчи ташкилотларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари ва харид қилиш қоидалари талаблари доирасида аниқланган тендер (танлов) савдолари қатнашчилари томонидан таклифлар беришнинг белгиланган муддатларини (оммавий ахборот воситаларида эълон берилган кундан бошлаб 30 кун ёки ёпиқ савдоларни ўтказишда таклифномалар юборилган кундан бошлаб 35 кун) мажбурий тартибда ҳисобга олади;

тендер (танлов) ҳужжатларини ва талабгорларга қўйилган тендер (танлов) таклифларини баҳолаш мезонларини тасдиқлайди;

қонун ҳужжатларига ва инвестиция лойиҳасини амалга оширишнинг тасдиқланган жадвалига мувофиқ тендер (танлов) таклифларини тайёрлаш муддатини белгилайди;

тендер (танлов) савдоларида қатнашиш учун қўйиладиган талабгорларни дастлабки малака бўйича танлашни амалга оширади, агар бу тендер (танлов) ҳужжатлари шартларида назарда тутилган бўлса;

тендер (танлов) савдоларида қатнашишга қўйишни рад этиш тўғрисида

қарор қабул қилади, ишчи орган бу тўғрида талабгорларни ёзма шаклда хабардор қилади;

оферталар жойланган конвертларни очади, уларнинг тендер (танлов) савдоларининг шартларига мувофиқлигини текширади, конвертларни очиш тўғрисидаги протоколни тасдиқлайди;

тендер (танлов) таклифларини кўриб чиқиш ва баҳолаш муддатларини тасдиқлайди;

тендер (танлов) ҳужжатларини олиш учун тўлов миқдорини белгилайди; зарурат бўлганда, тендер (танлов) таклифларини баҳолаш учун эксперт ва консултация ташкилотларининг вакилларини жалб этади;

талабгорларнинг буюртманомаларини ишчи орган томонидан кўриб чиқиш натижалари бўйича малака танловидан ўтган ва тендер (танлов) савдоларига қўйилган қатнашчилар рўйхатини тасдиқлайди, тендер (танлов) савдолари ғолибини аниқлайди;

ишчи орган ишлари натижалари бўйича иқтисодиётнинг тегишли тармоқларида ва ижтимоий соҳада амалга ошириладиган инвестиция лойиҳалари доирасида товарлар, ишлар ва хизматлар харид қилиш бўйича тендер (танлов) савдолари ғолибларини аниқлайди.

8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли ахборот-таҳлил департаментлари раҳбарлари идоралараро тендер комиссияларининг масъул котиблари ҳисобланади.

9. Идоралараро тендер комиссияларининг масъул котиблари қуйидаги функцияларни бажарадилар:

идоралараро тендер комиссияларининг ишларини ташкил этишни таъминлайдилар;

тендер (танлов) ҳужжатларини ишлаб чиқишнинг ҳамда тендер (танлов) савдоларини ўтказишнинг йиллик, чораклик ва ойлик жадваллари ишчи орган томонидан бажарилиши юзасидан мониторингни амалга оширадилар;

тендер (танлов) таклифларини баҳолаш мезонларини, ишчи орган мажлисларининг белгиланган тартибда расмийлаштирилган протоколларини ҳам ўз ичига оладиган тендер (танлов) ҳужжатлари пакетини, шунингдек идоралараро тендер комиссияси талаби бўйича тендер (танлов) савдоларига тааллуқли бўлган бошқа ҳужжатларни ишчи органлардан қабул қилиб оладилар ва кўриб чиқиш учун идоралараро тендер комиссиясига такдим этадилар;

идоралараро тендер комиссияси раиси билан келишган ҳолда идоралараро тендер комиссияси мажлисини чақиришни таъминлайдилар;

идоралараро тендер комиссияси таклифларини, шунингдек аъзоларининг фикр-мулоҳазаларини қабул қилиб оладилар ва тизимлаштирадилар;

идоралараро тендер комиссиясининг иш регламентига риоя этилиши юзасидан назоратни амалга оширадилар.

III. Идоралараро тендер комиссиясининг ишчи органи

10. Буюртмачи (буюртмачи ташкилот) ҳисобланадиган вазирлик ёки

идора тендер (танлов) савдоларини ўтказишни ташкил этиш бўйича ишчи орган тузади.

11. Ишчи орган таркиби идоралараро тендер комиссиясининг қарори билан тасдиқланади ва вазирлик ёки идора — лойиҳа ташаббускорининг, буюртмачи хизматининг, лойиҳалаш ташкилотининг, тижорат банкларининг, шунингдек тегишли вазирликлар ва идораларнинг юқори малакали мутахассисларидан шакллантирилади. Бунда буюртмачининг тегишли вазирлиги ёки идорасининг раҳбари ишчи орган раҳбари ҳисобланади.

12. Ишчи орган ўз фаолиятида қонун ҳужжатларига, шу жумладан Вазирлар Маҳкамасининг «Тендер савдоларини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2000 йил 21 ноябрдаги 456-сон ва «Капитал қурилишда танлов савдолари тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2003 йил 3 июлдаги 302-сон қарорларига, шунингдек ушбу Низомга амал қилади.

13. Ишчи орган қўйидаги функцияларни бажаради:

тендер (танлов) ҳужжатларини ишлаб чиқишнинг ва тендер (танлов) савдоларини ўтказишнинг йиллик тармоқ жадвалини тузади;

эълон беради ёки таклифномалар юборади;

тендер (танлов) савдолари қатнашчиларига тендер (танлов) ҳужжатларини беради;

тендерда қатнашиш учун талабгор томонидан тўланадиган закатни тўлаш тартибини, миқдорини ва шаклини идоралараро тендер комиссиясига тасдиқлаш учун тақдим этади;

тендер (танлов) таклифларини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқади ва идоралараро тендер комиссиясига тасдиқлаш учун киритади;

тендер (танлов) буюртманомаларини қабул қилишнинг охириги санасини, конвертларни очиш вақти ва жойини белгилайди;

тендер (танлов) савдолари натижалари идоралараро тендер комиссияси томонидан тасдиқлангунгача тендер (танлов) таклифларини қабул қилади, рўйхатдан ўтказиши ва сақлайди;

идоралараро тендер комиссиясининг қарори асосида тендер (танлов) савдоларига қатнашишга қўйишни рад этиш тўғрисида талабгорларни ёзма шаклда хабардор қилади;

тендер (танлов) таклифларини техник мезонлар, энг рақобатли нархлар, етказиб бериш, тўлов шартлари ва тендер (танлов) савдоларининг шартларида белгиланган бошқа параметрлар бўйича баҳолашни амалга оширади;

тендер (танлов) савдоларининг барча қатнашчилари учун тендер (танлов) таклифларини тақдим этиш муддатини узайтириш тўғрисида идоралараро тендер комиссияси билан келишган ҳолда қарор қабул қилади;

дастлабки малака бўйича танлов ва тендер (танлов) таклифларини баҳолаш натижалари бўйича идоралараро тендер комиссияси учун тавсиялар ишлаб чиқади.

14. Ишчи орган қўйидагиларга ҳақлидир:

талабгордан унинг малакавий маълумотларга мувофиқлигини тасдиқловчи қўшимча ҳужжатлар ва далилларни тақдим этишини белгиланган тартибда талаб қилиш;

талабгорларнинг малакавий маълумотларини ва тендер (танлов) таклифларини баҳолаш учун бошқа вазирликлар ва идоралардан ваколатли мутахассисларни, шунингдек эксперт ва бошқа ташкилотларнинг вакилларини жалб этиш бўйича таклифларни идоралараро тендер комиссиясига киритиш.

15. Талабгорларнинг дастлабки малакасини аниқлаш тендер (танлов) таклифларини очгунгача (тендер савдоларигача) ишчи орган томонидан амалга оширилади. Дастлабки малакани аниқлаш натижалари у тугалланган кундан бошлаб 2 кун мобайнида идоралараро тендер комиссиясига тақдим этилади. Идоралараро тендер комиссияси дастлабки малакани аниқлаш натижаларини ишчи орган томонидан ҳужжатлар тақдим этилган кундан бошлаб 3 кун мобайнида кўриб чиқади ва тасдиқлайди.

16. Тендер (танлов) таклифларини очиш идоралараро тендер комиссияси мажлисида, оммавий ахборот воситаларида берилган эълонда белгиланган муддатларга қатъий мувофиқ равишда кўрсатилган вақтда ва жойда, қатнашиш истагини билдирган талабгорлар иштирокида амалга оширилади, агар бу тендер тартиботларини ўтказиш тартибида назарда тутилган бўлса.

17. Тендер (танлов) таклифларини ишчи орган томонидан таққослаш ва баҳолаш тасдиқланган баҳолаш мезонларига ва тендер (танлов) ҳужжатларининг бошқа талабларига мувофиқ ҳолда амалга оширилади.

18. Баҳолаш тугалланган кундан бошлаб 3 кун мобайнида баҳолаш материаллари ва тавсиялар кўриб чиқиш ҳамда тасдиқлаш учун идоралараро тендер комиссиясига тақдим этилади.

Тендер (танлов) савдоларининг натижаларини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш ҳужжатлар ишчи орган томонидан тақдим этилган кундан бошлаб 3 кун мобайнида амалга оширилади.

19. Ишчи орган мажлисларида протоколлар юритилади, улар ишчи органнинг барча аъзолари томонидан имзоланади ва раис томонидан тасдиқланади.

20. Ишчи орган мажлисида умумий таркиб аъзоларининг камида 75 фоизи, шу жумладан раҳбар қатнашган тақдирда ваколатли ҳисобланади.

21. Тендер (танлов) савдолари тугагунгача тендер (танлов) таклифларининг ҳаммаси ишчи органда сақланади, савдолар тугаллангач барча тендер (танлов) таклифлари сақлаш учун буюртмачига берилади. Тендер таклифлари контракт тугаган санадан бошлаб 3 йил мобайнида сақланади.

IV. Идоралараро тендер комиссиясининг иш регламенти

22. Идоралараро тендер комиссиясининг қарорлари мажлисларда кўпчилик овоз билан қабул қилинади. Овозлар тенг бўлган тақдирда раиснинг овози ҳал қилувчи ҳисобланади.

Идоралараро тендер комиссиясининг қарори мажлисдан кейин уч кун

мобайнида протокол билан расмийлаштирилади, протокол мажлисда қатнашган аъзолар томонидан имзоланади ва идоралараро тендер комиссияси раиси томонидан тасдиқланади.

23. Идоралараро тендер комиссияси мажлисда унинг аъзоларининг камида 75 фоизи, шу жумладан раиси қатнашган тақдирда ваколатли ҳисобланади.

24. Идоралараро тендер комиссияси ҳар бир аъзосининг овоз бериш натижалари тўғрисидаги ахборот қатъиян махфий тусда бўлади ва ошкор қилинмайди.

25. Тендер (танлов) савдолари ғолиби идоралараро тендер комиссиясининг қарори билан тасдиқланади. Унинг тўғрисидаги ахборот тегишли вазирлик ва идоранинг — буюртмачининг веб-сайтларига жойлаштирилади.

26. Идоралараро тендер комиссиясининг қарорлари юзасидан қонун ҳужжатларига мувофиқ шикоят билдирилиши мумкин.

27. Идоралараро тендер комиссияси мажлислари тасдиқланган жадвалларга мувофиқ ўтказилади.

V. Идоралараро тендер комиссиясининг жавобгарлиги

28. Идоралараро тендер комиссияси тендер (танлов) савдоларини ўтказиш соҳасидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши юзасидан жавоб беради.

29. Идоралараро тендер комиссияси савдолар бўлиб ўтмаган деб эътироф этилганда ёхуд салбий натижага эга бўлганда мулкий ёки бошқача юридик тарзда жавоб бермайди.

30. Идоралараро тендер комиссияси аъзолари комиссия мажлисларида шахсан иштирок этишлари учун шахсан жавоб берадилар. Фақат узрли сабабларга кўра иштирок этмасликка йўл қўйилади.

Идоралараро тендер комиссияси аъзоси узрли сабабларга кўра иштирок этмаган тақдирда мажлисга олдиндан фирма бланкасида расмийлаштирилган ишончнома асосида тегишли вазирлик ёки идоранинг унинг ўрнини босувчи ходими (раҳбари) юборилади. Тегишли тарзда расмийлаштирилган ишончномага эга бўлмаган унинг ўрнини босувчи ходим (раҳбар) идоралараро тендер комиссияси мажлисига қўйилмайди ҳамда ушбу ҳолат узрсиз сабабларга кўра иштирок этмаслик сифатида расмийлаштирилади.

Комиссия ёки ишчи орган аъзоси мажлисда узрсиз сабабларга кўра иштирок этмаганда идоралараро тендер комиссияси ёки ишчи орган котибининг билдиришномаси асосида унга нисбатан интизомий чоралар кўрилиши мумкин.

31. Тендер (танлов) савдолари натижаларига кўра тузилган шартномага ўзгартиришлар, буюртмачи ва пудратчи ўртасидаги келишувдан қатъи назар, улар идоралараро тендер комиссияси томонидан кўриб чиқилгандан ва белгиланган тартибда тасдиқлангандан кейин қабул қилинган деб ҳисобланади.

Иқтисодиётнинг тегишли тармоқларида ва ижтимоий соҳада амалга ошириладиган инвестиция лойиҳалари доирасида товарлар, ишлар ва хизматлар харид қилиш бўйича идоралараро тендер комиссияси тўғрисидаги низомга
ИЛОВА

485-модда

Иқтисодиётнинг тегишли тармоқларида ва ижтимоий соҳада амалга ошириладиган инвестиция лойиҳалари доирасида товарлар, ишлар ва хизматлар харид қилиш бўйича идоралараро тендер комиссияси томонидан тендер савдоларини ўтказиш СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-босқич	Буюртмачи	Битта контракт бўйича 5, 0 млн доллардан ортиқ эквивалентдаги суммага харид қилинадиган товарлар, ишлар ва хизматлар рўйхатини белгилайди ва тендер савдоларини ўтказиш учун тегишли идоралараро тендер комиссиясига киритади.	Тасдиқланган жадвалга асосан
	Идоралараро тендер комиссияси	Буюртмачи томонидан рўйхат киритилгандан кейин тендер савдоларини ўтказишни ташкил этиш мақсадида ишчи орган таркибини тасдиқлайди.	3 кун
	Идоралараро тендер комиссиясининг ишчи органи	Идоралараро тендер комиссияси томонидан ишчи орган таркиби тасдиқлангандан кейин: тендерда иштирок этиш учун талабгор томонидан қўйиладиган закатлатни киритиш тартиби, унинг қиймати ва шаклини идоралараро тендер комиссияси тасдиқлаши учун киритади; тендер (танлов) таклифларини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқади ва идоралараро тендер комиссиясига тасдиқлаш учун киритади; тендер буюртмаларини қабул қилишнинг охириги санасини, конвертларни очиш вақти ва жойини белгилайди.	5 кун
	Идоралараро тендер комиссияси	Талабгор томонидан берилган тендер (танлов) ҳужжатлари ва тендер (танлов) таклифларини баҳолаш мезонларини тасдиқлайди, шунингдек қонун ҳужжатларига ва тасдиқланган инвестиция лойиҳасини амалга ошириш жадвалига мувофиқ тендер (танлов) таклифларини тайёрлаш муддатини белгилайди.	3 кун
2-босқич	Идоралараро тендер комиссиясининг ишчи органи	Эълон беради ёки таклиф юборади. Тендер (танлов) савдолари иштирокчиларига тендер (танлов) ҳужжатларини беради.	Дастлабки буюртма тушгандан кейин

— 12 —

37 (693)-сон

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
	Идораларо тендер комиссиясининг ишчи органи	Тендер савдоларида иштирок этиш учун буюртмаларни қабул қилади.	30 кун
	Идораларо тендер комиссиясининг ишчи органи	Тендер (танлов) таклифларини очгунга қадар (тендер савдоларига қадар) талабгорларнинг дастлабки малака танловини ўтказди. Тендер (танлов) савдолари шартларида белгиланган техник мезонлар, энг рақобатли нархлар, етказиб бериш шартлари ва бошқа параметрлар бўйича тендер (танлов) таклифларини баҳолашни амалга оширади. Идораларо тендер комиссияси учун дастлабки малака танлови ва тендер (танлов) таклифларини баҳолаш натижалари бўйича тавсиянома ишлаб чиқади.	10 кун
3-босқич	Идораларо тендер комиссияси	Ишчи органнинг тавсиясига кўра: агар тендер (танлов) ҳужжатлари шартларида назарда тутилган бўлса, тендер (танлов) савдоларида иштирок этиш учун рухсат бериладиган талабгорларнинг дастлабки малака танловини ўтказди; тендер (танлов) савдоларида иштирок этишга рухсат беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади, ишчи орган бу тўғрида талабгорларни ёзма шаклда хабардор қилади; оферта жойланган конвертларни очади, уларнинг тендер шартларига мувофиқлигини текширади, конвертларни очганлиги тўғрисидаги протоколни тасдиқлайди; зарур ҳолларда, тендер (танлов) таклифларини баҳолаш учун эксперт ва консультация ташкилотлари вакилларини жалб этади. Ишчи орган томонидан талабгорларнинг буюртманомаларини кўриб чиқиш натижалари бўйича малака танловидан ўтган ва савдода қатнашишга рухсат берилган иштирокчиларнинг рўйхатини тасдиқлайди, тендер (танлов) савдолари голибини аниқлайди.	7 кун
	Буюртмачи	Тендер (танлов) савдолари голибларини аниқлаш яқунлари бўйича товарлар, ишлар ва хизматлар харид қилиш тўғрисида шартнома тузади.	3 кун